



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NORIN TUMANI HOKIMINING F A R M O Y I S H I

2022 - yil 27 - yanvar

8-6-83-F/22

Norin tuman hokimligi

Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори ижроси ҳақида”ги 5-6-0-Q/22-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги 5-6-0-Q/22-сонли қарорини туманда ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори ижроси ҳақида”ги 5-6-0-Q/22-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори билан:

қуйидагилар:

ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ва донорлар билан ҳамкорлик дастурларига қўшимча лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини моддий-техник қўллаб-қувватлаш ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

инсонпарварлик ёрдамини жалб қилиш ва олиш, инсонпарварлик ёрдами юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ва мониторинг қилиш тартибини назарда тутувчи Инсонпарварлик ёрдами юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳамда инсонпарварлик ёрдами лойиҳаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги эътиборга олинсин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Р.Воҳидов) манфаатдор ташкилот ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарори иловаси билан тасдиқланган низомлар талаби асосида иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари – туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи А.Гаффаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ж.Нурматов